Халқ депутатлари Сардоба туман Кенгаши

ҚАРОР

2019 йил «20» ноябр **158/65-65-сон** **Пахтаобод ш.**

Сардоба туманидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинларидаги номсиз кўчаларга ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги (“Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 41-сон, 448-модда) Қонунининг 10-моддасига асосан Халқ депутатлари Сардоба тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сардоба туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2019 йил 17 сентябрдаги 1/01-191-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйитош, Зомин, Бирлашган, Янгиқишлоқ, Юртдош ва Қўрғонтепа маҳалла фуқаролар йиғинларидаги номсиз кўчаларга таклиф берилган янги номлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари комиссияси раисининг ўринбосари (З.Мусурмонқулов), туман молия бўлими (У.Йўлдошев) ва туман адлия бўлими (Ғ.Абсаломов):

бир ҳафта муддатда ҳудудлардаги янги кўча номиларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, белгиланган тартибда замонавий кўринишда, лотин ёзувида, пешлавҳаларга ёзиб ўрнатиш ишларини ташкил этиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

4. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси (Х.Джавлонов):

фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари расмийлаштирилишида ҳудудларда географик объектларнинг номлари ўзгарганлигига алохида эътибор қаратсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари З.Мусурмонқулов ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (А.Мухаммадиев) зиммаларига юклатилсин.

6. Мазкур қарор билан боғлиқ ҳужжатлар географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалалари бўйича тузилган вилоят комиссиясига тақдим этилсин.

7. Туман ҳокимлиги девонхонаси мазкур норматив хужжат “Шарафли йўл” газетасида чоп этилишини ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочиларга етказилишини ташкиллаштирсин.

8. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Кенгаш раиси **А.Хидиров**

ASLIGA TO`G`RI